

**“Ўзэлектротерм” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2019 йил якуни бўйича
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
Б А Ё Н И № 3**

“04” август 2020 йил

Наманган шаҳри

**Мажлиснинг ўтиш жойи: “Ўзэлектротерм” АЖ Наманган шаҳри, 8-март кўчаси, 3 уйда
жойлашган жамият мажлислар зали.**

Жами акциялар:

- 775 515 дона

Йиғилища қатнашдилар:

- 486 219 дона акция овози

Шу жумладан:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини
бошқариш агентлиги вилоят худудий**

бошқармаси:

- 480 334 дона акция овози

Бошқа акциядорлар:

- 5 885 дона акция овози

Умумий йиғилиш кворуми:

- 62,69 фоиз

Йиғилишни жамият кузатув кенгаши раиси З.Икрамов очиб, у ўз сўзида Инқирозга қарши курашиш Республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режаларини ҳамда инвестиция дасгуруларини кайта кўриб чикиш ва улар томонидан Давлат бюджетига дивиденд ва ажратмаларни ўtkазиши ташкил этиш тўғрисида”ги йиғилиш қарори ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш мақсадида, “Ўзэлектротерм” АЖ акциядорларининг 2019 йил якуни бўйича йиллик йиғилишини ўtkазилиши хақида кузатув кенгашининг 2020 йил 13 июлдаги йиғилишида қарор қабул қилингани, ушбу хақида “Биржа” газетасида, Капитал бозоринин ривожлантириш Агентлигининг Корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)да ҳамда жамият расмий веб-сайтида белгиланган тартибда эълон берилганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, жамият акциядорларининг 2019 йил якуни билан ўtkazilaётган умумий йиғилишни бошлашдан аввал Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 13 июлдаги қарорига асосан жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига жамият ходимларидан саноқ комиссияси аъзолигига Рахимов Бахромжон Мухитдинович, Худайбердиев Умид Махмудович, Абдувалиев Исломбек Соли ўғли номзодларини таклифини киритилганлиги, саноқ комиссия аъзолигига номзодлар бўйича эътиrozлар бўлмаганлиги сабабли, бир овоздан тасдиқлашларини сўради.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан саноқ комиссияси аъзолигига бир овоздан Рахимов Бахромжон Мухитдинович, Худайбердиев Умид Махмудович, Абдувалиев Исломбек Соли ўғли номзодлари тасдиқланди.

Йиғилиш раиси ўз сўзини давом эттирас экан, юқоридаги саноқ комиссияси аъзоларидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига асосан йиғилишни ўtkaziш учун кворум бор ёки йўклиги хақида маълумот сўради.

Саноқ комиссияси раиси Рахимов Бахромжон сўзга чиқиб, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жами овоз берувчи 727 824 дона акциядан 480 334 дона ёки 66,34 фоиз эгалари иштирок этаётганлиги ҳамда йиғилишни ўtkaziш учун кворум борлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси саноқ комиссия берган маълумотни инобатга олган ҳолда жамият акциядорларининг 2020 йил 04 августдаги навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва йиғилиш иштирокчиларига кун тартибидаги масалаларни ўқиб эшилтириди.

Кун тартибидаги масалалар:

- 1) Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- 2) Жамият кузатув кенгаши 2019 йил якуни бўйича хисоботини тинглаш.
- 3) Жамият бош директорининг 2019 йил бизнес-режасини бажарилиши юзасидан хисоботини тасдиқлаш.
- 4) Жамиятнинг 2019 йилги молиявий ҳисботи ва бухгалтерия балансларини тасдиқлаш.
- 5) Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг текширув хулосасини тасдиқлаш.
- 6) Жамият тафтиш комиссиясининг 2019 йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш.
- 7) Жамиятнинг 2019 йил соф фойдасини тақсимлаш ҳамда ҳисобланган дивиденд миқдорини аниқлаш.
- 8) Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
- 9) Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
- 10) Жамиятнинг 2020 йил йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ташки аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш.
- 11) «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятининг ташкилий хуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятияга ўзгартириш тўғрисида;
- 12) «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятининг ташкилий-хуқуқий шаклини ўзгартириш тартиби ва шартларини тасдиқлаш тўғрисида.
- 13) «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятининг бир дона акциянинг бозор баҳоси, акцияларни қайтариб сотиб олиш тартиби ва шартларини тасдиқлаш тўғрисида;

Кун тартиби мухокамаси:

1. Кун тартибидаги 1-масала юзасидан йигилиши раиси З.Икрамов сўзга чиқиб, “Ўзэлектротерм” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2020 йил 04 август куни бўлаётган навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг регламентини ўқиб эшиттириди.

Йиғилиш регламентига кўра, кун тартибига кўйилган 5 та масалалар бўйича маърузачи учун 5 минутдан 10 минутгача, музокарага чиқувчилар учун 2-3 минут берилган ҳамда йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича йиғилиш регламенти бўйича маърузачини танишириди. (Йиғилиши регламенти илова қилинади)

Йиғилиш раиси З.Икрамов йиғилишда иштирок этаётган акциядорлардан эътиroz ва қўшимча таклифлар бўлмаганлиги сабаб кун тартибидаги масалани овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Каршилар, бетарафлар: йўқ.

2. Кун тартибидаги 2-масала юзасидан «ЎзЭлектротерм» АЖ кузатув кенгаши аъзоси С.Рахмонов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши томонидан 2019 молиявий хўжалик или давомида кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ кузатув кенгаши мажлислари ва жамият акциядорларининг умумий йиғилишлари белгиланган тартибда ўтказиб борилганлигини таъкидлади ҳамда йил давомида бажарилган ишлар ҳақида ҳисботини ўқиб эшиттириди.

Шунингдек, 2019 йилда корхонанинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқсан холда, юқори ва кўйи ташкилотларни таклифлари асосида четга турли мақсадларга маблағ ажратиш кескин камайтирилди. Йил давомида ҳар чорак якуни бўйича жамият Ижроия органининг ҳисботи эшитилди ва жамият ички аудитори томонидан корхона фаолияти тахлил қилиниб, натижаси эса кузатув кенгаши йиғилишларида тегишли мутахассислар иштирокида мухокама этилди ҳамда ушбу юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганлигини айтди.

У ўз сўзини якунлар экан, йиғилишда иштирок этаётган акциядорлардан кузатув кенгашининг 2019 йил давомидаги фаолияти учун муносиб баҳо беришларини сўради.

Йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларидан юқоридаги масала юзасидан саволлар бўлмаса, кузатув кенгаси томонидан 2019 йил давомида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисботини қониқарли деб топиш юзасидан овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ.

3. Кун тартибидаги 3-масала жамият бош ҳисобчиси Ш.Жалалов сўзга чиқиб, Жамият томонидан 2019 йил якуни бизнес режа бараганини бўйича, тушган тушумлар, давлат бюджетига ўтказиб берилган маблағлар юзасидан ҳисботини ўқиб эшиттириди.

Йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларидан юқоридаги масала юзасидан саволлар бўлмаса, жамият бош директорининг 2019 йил давомида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисботини қониқарли деб топиш юзасидан овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ.

4. Кун тартибидаги 4-масала жамият бош ҳисобчиси М.Холмирзаев сўзга чиқиб, Жамият томонидан 2019 йил якуни молиявий хўжалик фаолияти бўйича қўйидагиларни ижара хизматидан тушган тушумлар, кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар юзасидан ҳисботини ўқиб эшиттириди.

Йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларидан юқоридаги масала юзасидан саволлар бўлмаса, жамият бош ҳисобчисининг 2019 йил давомида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисботини қониқарли деб топиш юзасидан овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ.

5. Кун тартибидаги 5-масала бўйича “ДАВР” МЧЖ аудитори **М.Холмирзаев сўзга чиқиб, “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти томонидан “ЎзЭлектротерм” АЖ акциядорлик жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти бўйича миллий стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий қўрсаткичлари юзасидан аудиторлик текширувлари ўтказилгани ҳамда жамиятга ижобий баҳо берилганини айтиб, жамиятга тақдим этилган ижобий хулосасини ўқиб эшиттириди. (аудит ҳисботи нусхаси илова қилинади)**

Йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларидан юқоридаги масала юзасидан саволлар бўлмаса, ташқи аудиторлик ташкилотини ҳисботини қониқарли деб ҳамда тасдиқлаш беришлари юзасидан овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ.

6. Кун тартибидаги 6-масала юзасидан “ЎзЭлектротерм” АЖ тафтиши комиссияси аъзоси У.Боймирзаев сўзга чиқиб, жамият тафтиш комиссияси 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунига ҳамда жамият ички низомлари асосида иш олиб борганлиги ва фаолияти юзасидан ҳар чоракда кузатув кенгашига ҳисбот бериб борилганлиги тўғрисида гапирди.

Шунингдек, 2019 йилдаги текширишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича жамият ижроия органига тегишли кўрсатмалар берилиб, бартараф қилингандигини гапириб ўтди.

Йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларидан юқоридаги масала юзасидан тафтиш комиссияси аъзосига саволлар бўлмаса, унинг ҳисоботини қониқарли деб топиш юзасидан овозга кўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаb овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Каршилар, бетарафлар: йўқ.

7. Кун тартибидаги 7- масала юзасидан йигилиш раиси З.Икрамов сўз олиб, Инқирозга қарши курашиб республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режаларини ҳамда инвестиция дасгуруларини кайта кўриб чикиш ва улар томонидан Давлат бюджетига дивиденд ва ажратмаларни ўtkазишини ташкил этиш тўғрисида”ги йиғилиш қарори 5 бандига асосан 2020 йил 1 июлга кадар 2019 йил якуни бўйича соф фойдасининг 85 фоизини дивидендга йўналтириш тўғрисида хўжалик жамиятлари акциядорлар умумий йигилиши карорларини қабул килинишини ва давлат улуши бўйича дивидендернинг бюджетга йўналтирилишини таъминлаш юзасидан топшириқ берилгандигини таъкидлади.

Бироқ жамият бухгалтерия ҳисботига кўра жамият фойда билан кўрганлигига қарамасдан, жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган аудиторлик текширув натижаларига кўра “ЎзЭлектротерм” АЖ 2019 йил якунлари буйича -205061,2 минг сум зарар кўрганлиги аниқланди.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ инигизни сўраймиз

Шунингдек, Йиғилиш раиси 2019 йил якунлари бўйича жамиятнинг - 205 061,2 зарар кўрганлигини тасдиқлаш масаласини овозга кўйди

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаb овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Каршилар, бетарафлар: йўқ.

8. Кун тартибидаги 8- масала юзасидан йигилиш раиси З.Икрамов сўз олиб, кузатув кенгашининг таркибига янги номзодларни сайлаш учун акциядорлар ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Наманган вилоят худудий бошқармаси томонидан келиб тушган номзодлар рўйхатини ўқиб эшиттириди ва сайлов бюллетенларига киритилгандигини айтди. Бюллетенларга киритишни тасдиқлаш учун овозга кўйди.

Овоз берииш натижалари:

Кузатув кенгashi аъзолигига қумилятив овоз берииш натижалари қўйидагича:

№	Кузатув кенгashi аъзолигига номзодлар	Овозлар сони
1	Икрамов Зафаржон	486 219
2	Рахмонов Содикжон	486 219
3	Валиев Зоҳиджон	486 219
4	Обилов Абдумалик	486 219
5	Ортиков Шокиржон	486 219
6	Ўринов Шерзод	486 219
7	Сайипов Алёр	486 219
8	Абдуллаев Абдулали	486 219

9	Муллаев Зухриддин	486 219
---	-------------------	---------

9. Кун тартибидаги 8-масала юзасидан йигилиши раиси З.Икрамов сўз бошлаб, кузатув кенгаши 2018 ва 2019 йил давомида ўзини навбатдаги ва навбатдан ташқари йиғилишларида жамият бошқарув фаолиятидаги, чорак якунлари ва «Бизнес режа»сини бажарилишини кўриб чиқибганлиги, аниқланган камчиликлар ва муоммоларни ҳал этиш ҳамда кенгаш аъзоларини таклиф мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда бошқарув кенгашига амалий ёрдам бериб борганлигини айтди.

Шунга кўра, ўтган йиллардаги жамият томонидан 2018 йил якуни ҳамда 2019 йил 9 ойлик якунларини тахлил қилган ҳолда 2020 йил учун мўлжалланган бизнес режасини ишлаб чиққанлигини ҳамда ушбу бизнес режага асосан жамият 2020 йил якуни бўйича 161 505 минг сўм соғ фойда олишни режалаштираётганлигини таъкидлади.

Йиғилиш раиси З.Икрамов Кузатув кенгашининг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес режаси юзасидан таклифлар бўлмаса, тасдиқлаш таклиф қилди ва овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ.

10. Кун тартибидаги 10-масала юзасидан йигилиши раиси З.Икрамов сўз бошлаб, 2020 йилга З та аудиторлик фирмаларидан таклиф тушганлигини айтиб, таклиф қилинаётган «Баланс-информ-аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан хизмати учун 13 млн.сўм, «Хамкор тахлил» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан хизмати учун 15 млн.сўм, «Давр» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан хизмати учун 10 млн.сўмни таклиф этилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамият кузатув кенгаши томонидан 2020 йил якуни бўйича ўтказиладиган миллий стандартлар асосида ўтказилган аудиторлик текширувлари ўтказиш учун “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилотини муносиб деб, жамият умумий йиғилишига тавсия этди.

Шунингдек, ушбу ўтказиладиган аудиторлик текширувлари хизмат хақларининг энг юқори миқдорларини белгилаш инобатга олиб, кузатув кенгаши томонидан 2020 йил миллий стандартлар бўйича аудит текширувлари учун 10 000 000 (ён миллион) сўмгача бўлган миқдорда хизмат хақи тўлашни тавсия қилган. Юқоридаги масала юзасидан жамият кузатув кенгашининг тавсияларига қўшимча таклифлар бўлмаса ушбу масалага овоз беришингларни сўради.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ.

11. Кун тартибидаги 11-масала юзасидан йигилиши раиси З.Икрамов, Жамият кузатув кенгаши томонидан 2019 йил давомида жамиятнинг ривожлантириш мақсадида бир неча чора тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, шунга қарамай жамиятни банкротлик ёқасига келиб қолганлиги сабаб, жамият устав капиталидаги 61.9 фоиз улуш эгаси бўлган Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан жамият кузатув кенгашига жамият мулкчилик шаклини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш юзасидан таклифи берилганлигини айтди.

Шунга кўра, “Ўзэлектротерм” АЖ акциядорлик жамияти мулкчилик шаклини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш орқали жамиятни қайта ташкил этиш масаласини овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ.

12. Кун тартибидаги 12-13-масалалар юзасидан йигилиши раиси З.Икромов ўз сўзини давом эттирадар экан. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 92-моддасида белгиланган тартибда мулкчилик шаклини масъулият чекланган жамиятга ўзгартиришга йўли билан амалга оширилади. Жамият шаклини ўзгартириш тартиби ва шартлари қўйидагича бўлади:

- Жамият қайта ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун ўтгач 10 кун ичida ўзларига тегишли акцияларнинг қайтариб сотиб олиниши тўғрисида ёзма талабни қўйган акциядорлардан акцияларни қайтариб сотиб олишни амалга оширади;

- Акциядорларнинг мазкур умумий йиғилиши баённомаси расмийлаштирилганидан сўнг жамият рўзномада қайта ташкил этиш хақида ахборот эълон қиласди.

- Акциядорларнинг мазкур умумий йиғилиши ўtkазилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини “Ўзэлектротерм” акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамияти шаклига ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилаётганлиги хақида ёзма шаклда хабардор этади.

- “Ўзэлектротерм” АЖнинг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига айлантирилганлиги муносабати билан жамият томонидан илгари жойлаштирилган, 09.03.2010 йилдаги F0263-5-сон билан давлат рўйхатига олинган номинал қиймати 830 сўм бўлган 727 824 дона умумий қиймати 604 093 920 сўмлик оддий ҳужжатсиз (нақдсиз) ҳамда 47 691 дона умумий қиймати 39 583 530 сўмлик имтиёзли ҳужжатсиз (нақдсиз) акциялар чиқарилувлари бекор қилинсин ва ягона давлат реестридан чиқариш лозимлиги.

- Акциядорларнинг мазкур умумий йиғилиши ўtkазилган санадан 40 кун ўтгач 10 кун ичida “Ўзэлектротерм” АЖ ни ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамияти иштирокчиларини йиғилиши ташкил этилади ва ушбу йиғилишда масъулияти чекланган жамиятини таъсис ҳужжатлари тасдиқланади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахснинг бошқарув органлари тайинланади.

- “Ўзэлектротерм” АЖ нинг акциялари ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамияти Устав фондидағи улушга, бир дона акцияга 830 сум микдорида улуш бериш хисобида айирбошланади. Муассислар таркиби ва таъсис ҳужжатларини тасдиқлаган йиғилишда иштирок этмаган акциядор МЧЖ муассиси бўла олмайди.

“Ўзэлектротерм” АЖ нинг акциялари ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамияти муассиси бўла олмаган акциядорларининг 1 (бир) дона акциялари учун “Эксклюзив Эксперт Баҳоловчи” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан тақдим этилган хулосасида кўрсатилган суммаларнинг энг юқори қиймати 27 265,37 сўм бўйича белгиланган тартибда тўлаб берилишини айтди.

Масъулияти чекланган жамият муассислари таркибига кирмаган акциядорларга акция пулларини тўлаб бериш жараёнида белгиланган муддатларда келмаган акциядорларнинг акция пуллари Наманган вилоят адлия бошқармасида очиладиган маҳсус ҳисоб рақамга ўтказилишини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги 12 ва 13 масалалар, «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятининг ташкилий-ҳукукий шаклини ўзгартириш тартиби ва шартларини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳамда жамиятининг бир дона акциянинг бозор баҳоси, акцияларни

қайтариб сотиб олиш тартиби ва шартларини тасдиқлаш тўғрисидан йифилиш иштирокчилари томонидан эътиrozлар бўлмаса, юқоридаги масалалар юзасидан овоз беришларини сўради.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 486 219 акция овози

Каршилар, бетарафлар: йўқ.

Юқоридаги кўрилган масалалар юзасидан ва саноқ комиссияси тақдим этган маълумотлардан келиб чиқиб акциядорлар умумий йифилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзэлектротерм” АЖ акциядорларининг 2020 йил 04 августдаги йиллик умумий йифилиш регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ўзэлектротерм” АЖ Кузатув кенгашининг 2019 йил давомида бажарган ишлари бўйича ҳисботи қониқарли деб топилсин.

3. Жамият Бosh директорнинг 2019 йил якуnlари бўйича йиллик бизнес режани бажарилганлиги юзасидан ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

4. Жамиятнинг 2019 йил якуnlари бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

5. Жамиятнинг 2019 йил якуnlари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хulosasi тасдиқлансин ва маълумот учун қабул қилинсин.

Жамият бош директори, “ДАВР” МЧЖ томонидан тақдим этилган ҳисботда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари олиб борилсин, ҳамда бажарилган ишлар юзасидан жамият кузатув кенгашига ҳисбот берилсин.

6. Жамиятнинг 2019 йил якуnlари фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисботи тасдиқлансин ва маълумот учун қабул қилинсин.

7. “ДАВР” МЧЖ томонидан тақдим этилган хulosага асосан, жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 205 061,2 зарап кўрганлигини тасдиқлансин.

8. “Ўзэлектротерм” АЖ Кузатув кенгаши аъзолигига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Икрамов Зафаржон, худудий бошқарма бошлиғи ўринбосари в.б. Рахмонов Содикжон, худудий бошқарма бошлиғи ўринбосари в.б. Валиев Зоҳиджон, бўлим бошлиғи Обилов Абдумалик, мутахассислар Ўринов Шерзод, Ортиков Шокиржон, Сайипов Алёр ҳамда жамият акциядорлари Абдуллаев Абдулали Абдувалиевич ва Муллаев Зухриддинлар сайланганлиги тасдиқлансин.

9. Жамиятнинг 2020 йил бизнес режаси иловага асосан тасдиқлансин.

10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича ўтказиладиган миллий ва ҳалқоро стандартлар асосида аудит текширувлари ўтказилиши учун “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудитор ташкилоти танлансин.

Жамият бош директори Ш.Жалалов “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудитор ташкилоти билан миллий ва ҳалқоро стандартлар асосида аудитдан ўтказиш учун 10 000 000 (ўн миллион) сўмгача бўлган микдорда шартнома тузиш ваколати берилсин

11. “Ўзэлектротерм” акциядорлик жамиятининг ташкилий хуқуқий шаклини “Ўзэлектротерм” масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш тасдиқлансин.

12. “Ўзэлектротерм” АЖ мулкчилик шакли Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 92-моддасида белгиланган тартиба масъулият чекланган жамиятга ўзгартириш йўли билан амалга ошириш, жамият шаклини ўзгартириш тартиби ва шартлари қўйидагича бўлади:

Акциядорларнинг мазкур умумий йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини “Ўзэлектротерм” акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамияти шаклига ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этилаётганлиги хакида ёзма шаклда хабардор этади.

Акциядорларнинг мазкур умумий йиғилиши ўтказилган санадан 40 кун ўтгач 10 кун ичida “Ўзэлектротерм” АЖ ni ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамияти иштирокчиларини йиғилиши ташкил этилади ва ушбу йиғилишда масъулияти чекланган жамиятини таъсис ҳужжатлари тасдиқланади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахснинг бошқарув органлари тайинланади.

“Ўзэлектротерм” АЖнинг ташкилий ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятнинг Устав фондидағи улуш, акциядорлик жамиятининг бир дона акциясининг қиймати 830 сум микдорида улуш бериш йўли билан айирбошланади. Белгиланган муддатларда МЧЖ иштирокчилар таркиби кириш юзасидан ёзма талабини билдиrmаган акциядорлар ва масъулияти чекланган жамият таъсис йиғилишда иштирок этмаган акциядор жамият муассиси бўла олмайди.

“Ўзэлектротерм” АЖнинг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига айлантирилганлиги муносабати билан жамият томонидан илгари жойлаштирилган, 09.03.2010 йилдаги F0263-5-сон билан давлат рўйхатига олинган номинал қиймати 830 сўм бўлган 727 824 дона умумий қиймати 604 093 920 сўмлик оддий ҳужжатсиз (нақдсиз) ҳамда 47 691 дона умумий қиймати 39 583 530 сўмлик имтиёзли ҳужжатсиз (нақдсиз) акциялар чиқарилувлари бекор қилинсин ва ягона давлат реестридан чиқарилсин.

“Ўзэлектротерм” АЖнинг Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тутатилаётган жамият қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан, шунингдек у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин “Ўзэлектротерм” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширилсин.

Жамият акциядорларнинг 04.08.2020 йилдаги умумий йиғилишида иштирок этмаган акциядорларнинг акцияларини жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши талаб қилиш ҳуқуки мавжудлиги ва бундай ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуки юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан эътиборан етти кундан кечиктирмай акциядорларга юборилсин.

“Ўзэлектротерм” АЖ нинг акциялари ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамияти муассиси бўла олмаган акциядорларининг 1 (бир) дона акциялари учун “Эксклюзив Эксперт Баҳоловчи” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан тақдим этилган хулосасида кўрсатилган суммаларнинг энг юқори қиймати 27 265,37 сўм қийматида амалга оширилсин.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40-41-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилинган кундан бошлаб;

Жамият қайта ташкил қилиш түгрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун ўтгач 10 кун ичида ўзларига тегишли акцияларнинг қайтариб сотиб олиниши түгрисида ёзма талабни кўйган акциядорлардан акцияларни қайтариб сотиб олишни амалга оширади;

Жамият акциядорлари томонидан ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши түгрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан (04.08.2020 йилдан) эътиборан ўтгиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак.

Йиғилишда иштирок этмаган ҳамда белгиланган муддатларда қонунга мувофиқ ёзма талабнома бермаган акциядорларнинг акциялари учун ажратилган маблағлар вилоят Адлия башқармасида очилган маҳсус хисоб ракамларига ўтказиб берилсин.

Йиғилиш раиси:

З.Ш.Икрамов

Баёнлаштирувчи:

С.В.Дадабоев